

## ДАСТХАТ МАТНЛАРИНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

**Барно Мухторова**

ўқитувчи, докторант  
инглиз тили кафедраси, ФарДУ

**Шохсанам Абдураззоқова**

ўқитувчи, магистр, ФарДУ  
инглиз тили кафедраси, ФарДУ

**Аннотация:** мазкур мақолада дастхат матнларнинг лингвомаданий хусусиятлари турли тизимли тиллар ҳамда уларнинг маданиятида воқеликка муносабатлари ақс этган мисоллар ёрдамида атрафлича баён қилинган.

**Калит сўзлар:** дастхат, тил, маданият, лингвокультурология, антропоцентризм.

**Аннотация:** данная статья подробно описывает лингвокультурологические особенности текстов автографов на узбекском и английском языках с помощью примеров, отражающих их отношение к действительности в их культуре.

**Ключевые слова:** автограф, язык, культура, лингвокультурология, антропоцентризм.

Ҳозирги даврда дунё халқлари ўртасида ўзаро иқтисодий, маданий, сиёсий ҳамда илмий алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида кўплаб салмоқли ишлар олиб борилмоқда. Шундай алоқаларни мустаҳкамлаш жараёнида тил ва маданиятнинг аҳамияти уларнинг ўзаро боғлиқлигида амалга ошади. Маданият ҳамда тил каби тушунчаларни ўзаро муносабатга кириши, уларнинг бир-бирдан айро ўрганилмаслигини тадқиқ этувчи соҳанинг вужудга келишига сабаб бўлди. Бу соҳада фаолият олиб боришни бошлаган соҳа вакиллари XX асрдаёқ бу тил ва маданиятни ўрганувчи соҳага асос солишлари бежиз эмас албатта ва унга соҳа вакиллари томонидан лингвомаданиятшунослик (лингвокультурология) дея ном берилиши тил ва маданият каби тушунчаларнинг бир-бири билан мужассам тарзда ўрганилишига туртки бўлди ва у замонавий тилшуносликнинг мустақил, янги ҳамда истиқболли йўналишларидан бирига айланиб, кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилишига, уни чуқур ўрганилишига кейинчалик эса ушбу

соҳа ўз ичига уч асосий муаммо: тил, маданият ҳамда инсон шахсияти каби тушунчаларни илмий-амалий, чуқур тадқиқ қилишни бошлади. Бу соҳанинг асосий, олий мақсади тил ва маданият тўғрисида билимларни кашф этишдир.

Лингвокультурология антропоцентрик тилшуносликнинг етакчи йўналишларидан бири ҳисобланиб, унинг луғавий маъносига назар ташладиган бўлсак, асли латин тилидан кириб келган бу сўз “*lingua*” – *тил* + “*cultura*” – *ишлов бериш* + *юнон. logos – таълимот* каби маъноларни бериб, тилшунослик, маданиятшунослик, этнография, психолингвистика соҳалари ҳамкорлигида юзага келган, тилнинг маданият, этнос, миллий менталлик билан ўзаро алоқаси ва таъсирини антропоцентрик парадигма тамойиллари асосида ўрганувчи соҳага айланди. Лингвомаданиятшунослик тилшуносликнинг тил ва маданиятга оид концептларни ўрганувчи соҳаларидан бири бўлиб, когнитив тилшунослик, матн лингвистикаси ҳамда антропология каби соҳалар билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Лингвомаданиятшунослик турли тизимли тилларни ўрганиш асносида уларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда маданиятга оид концептлар, моделлар, категориялар ҳамда метафораларни тадқиқ этади. Лингвомаданиятшунослик ёндашувлари амалий тилшуносликнинг айрим соҳаларида, жумладан маданиятлараро мулоқот, иккинчи тилни ўзлаштириш ҳамда турли тилларни ўрганишда қўлланилиб келинмоқда.

Тил ва маданият ўртасидаги маданиятларни ўрганиш тарихи минг йилликларга бориб тақалиб, тилнинг маданий жиҳатдан табиати қадимий мумтоз фалсафий манбаларнинг ўрганиш объектига айланган. Тил ва маданият ўртасидаги муносабатлар тилшуносликнинг кўплаб соҳаларида тадқиқ этилган ҳамда ҳозиргача ҳам давом этмоқда. Бу соҳанинг ривожини ва равнақини учун, соҳада вужудга келган муаммоларни илмий ҳам амалий жиҳатдан ёритиш каби масалалар билан шуғулланган тилшунослар, этнографлар, файласуфлар, социологлар ва адабиётшунослар томонидан олиб борилган тадқиқот ишлари, тўпланган маълумотлар, улар қаламига оид бир қатор дарслик ҳамда китоблар орқали биз лингвомаданиятшуносликда мавжуд бўлган муаммоларни ёки ўрганилиши керак бўлган муаммолар билан танишиб олиш имкониятини қўлга киритамиз. Бу соҳада фаолият олиб борган ҳамда унинг ривожига салмоқли ҳисса қўшган тадқиқотчилар жумладан В. Гумбольдт, Л. Винтгенштейн, Е. Сепир, Б. Л. Уорф, Д. Фодор, Л. С. Выготский, Н. И. Жинки, Н. И. Толстой, Ю. М. Лотман, А. Вежбицкий, В. Н. Телия, В. Г. Костомарова, М. Верещагина, Г. А. Брутян, Н. Д. Арутюнова, Н. В. Уфимцева, Л. Вайгербер, Х. Глинс, Х. Холс, У. Д. Уитни, Д. У. Пауэль, Ф. Боас, Д. Хаймз тил ва маданият ўртасидаги муносабатларни ёритган кўплаб дарсликлар, ўқув қўлланмалар, илмий

мақолалар ҳамда китоблар муаллифлари ҳисобланади. XIX асрнинг бошларида тил, маданият ҳамда этнос ўртасидаги муаммоларни чуқур ўрганиш немис олимлари ака-ука Гриммлар томонидан бошланиб, XIX асрнинг 60-70-йилларида Россияда уларнинг ғояларининг ривожини Ф.И. Буслаева, А.Н. Афанасьева ва А.А. Потебни каби олимларнинг ишларида ўз аксини топа бошлади.

Ўзбек тили тилшунослигида ҳам бу йўналишда қатор ишлар олиб борилмоқда. Лингвокультурологиянинг илмий асосланиши, маданиятнинг тилда акс этиши каби масалаларга қаратилган дастлабки ишлар сифатида биринчи навбатда А.Нўрмоновнинг “Ўзбек тилида лингвокультурологик йўналиш”, Н. Маҳмудовнинг “Тилнинг мукамал тадқиқи йўллари излаб”, “Ўхшатишлар-образли тафаккур маҳсули”, Н. Сайидрахимованинг “Лингвокультурологиянинг компонентлари” номли мақолаларини, Д.Худойберганованинг “Матннинг антропоцентриқ тадқиқи” мавзусидаги монографияси, “Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати”ни белгилаш мумкин. Мазкур ишларда лингвокультурология фанининг моҳияти, предмети ва объекти масалалари ўрганилган. Замонавий лингвокультурологиянинг предмети турли кодлардир, яъни тил ва маданиятнинг ҳамкорлиги натижасида шаклланидиган лисоний белгилардир.

Матнларнинг лингвокультурологик жиҳатдан тадқиқ этиш янгилик эмас, дастхат матнларининг тил ва маданият ўртасида вужудга келадиган муносабатларда тадқиқ этишда аввало матн тил, маданият ва инсонга тегишли тушунчалар орасида юзага келадиган тушунчаларни ўз ичига олади. Дастхат матнида инсоний орзу-умидлар, тилаклар албатта маданият орқали амалга ошади, яъни тил ва маданият бир-бирини инкор эта олмайдиган ўзаро боғлиқ тушунчалардир. Мисол учун,

**Дастхат № 5. «Ҳамиша севиб-севилиб яшанг!»**

– Илк дастхатни 1992 йилларда берганман, унча аниқ эслай олмайман (*ўйланиб*). Чунки орадан 24 йилдан ошиқ вақт ўтиб кетган-да. Лекин дадил айта оламанки, ўша пайтларда 26-27 ёшли келишган йигит бўлсак, албатта, илк мухлисимиз шу талаба ёшлар, яъни қизлар бўлган-да (*жилмаяди*).. Илк маротаба дастхат берганимда, албатта, ҳаяжон бўлган. Лекин ўтириб олиб, узундан-узун тилак ёзмаганман, чунки у қадар ёзишга қизиқишим йўқ. Мана, ҳозирги кунда эса дастхат бериш одатий ҳолга айланиб қолган. Тилакка келсак, агар ёши катталар бўлса «*Оилавий бахт-саодат тилайман!*», йигит-қизлар бўлса, «*Ота-онангизнинг иззатли фарзанди бўлиб қолинг!*» дея ният билдириб, дастхатимни тушириб беравераман. Агар **икки ёш, турмуш қурган оилалар**

бўлса, «*Ҳамиша севиб-севилиб яшанг!*» деб дастхат бераман. Чунки бунинг маъноси кенг. Севги бу – ота-онасига, ёрига, Ватанига, фарзандига... хуллас, унинг гап ичида ниҳоятда кўп туйғулар жамулжам. Ҳозирги пайтда эса дастхат ўрнига ҳамма расмга тушишга ўтган. Айни дамда халқимиз кўпроқ **суннат тўйларига** чақиришгани учун дастхат қўяётганда, «*Никоҳ тўйингизга Фаррух Комилов келиб хизмат қилсин!*» деб ҳам истак билдираман (*кулади*). **Равшан КОМИЛОВ, хонанда**

Юқоридаги келтирилган мисолларни изоҳласак, жамиятдаги инсонларнинг ҳаётида содир бўладиган муҳим ҳодисалар (таваллуд аёмлар, тўй-маракалар, никоҳ ва суннат тўйлари) ва инсонларнинг ёшлари, яъни уларнинг ёш мавсумларидан, инсонларнинг жинсидан, касб-коридан келиб чиқиб ёзиладиган дастхатлар тил ёрдамида маданиятдан узоқлашмайдиган ҳолда билдирилар экан. Дастхат матнларинг лисоний ёки нолисоний маданий, яъни лингвокультурологик хусусиятга эга жараёндр.

Бундан ташқари, барчага маълумки, дастхат матнларининг асосий мазмуни табрик ва тилак билдиришдир. Шундан келиб чиқиб, турли тизимли тиллари, жумладан ўзбек ва инглиз тилларидаги тилак билдириш ёки табрик йўллаш ушбу тилларнинг маданиятида фарқли жиҳатларини қуйидаги мисоллар ёрдамида очиб беришга ҳаракат қиламиз. Мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, ўзбек маданиятида бирор инсонга узоқ умр тилаш маъносида *чинор* мисолида ёндашсак, инглиз маданиятида эса *вино* мисолида табриклар қилади. *Чинор* ҳамда *вино* сўзларнинг умумий ўхшаш жиҳатидан келиб чиқадиган бўлган, *чинор* кўп йиллик дарахт, *вино* эса йиллар ўтган сари сифати яхшилаб борадиган ичимликдир, лекин ўзбек маданиятида *вино* маст қилувчи ичимлик сифатида қаралиб, инсоннинг умрини унга боғлаш асоссиз ҳисобланади. Ўзбек маданиятида инсоннинг умрини чинорга қиёслаш, бу албатта унинг бошқа дарахтларга нисбатан умри узоқлиги, табиат ҳодисаларига чидамлилиги каби хусусиятларни ўзида мужассамлагани сабабли кенг фойдаланилади. Мисол учун, *You age like a fine wine.* (Ўзбек тилида: **Умрингиз чинордек боқий бўлсин.**)

Навбатдаги мисолимиз эса инсон ёши тўғрисидадир, ўзбек маданиятида инсоннинг энг чиройли, етук ва кўркем ёши- 18 ёш деб белгиланган, бу ҳақида кўплаб шеърлар ва қўшиқлар битилган, бундан ташқари дастхат матнларида ҳам учратшимиз ҳам мумкин. Масалан,

“*Тўзал дугонам Ш.*

*18 ёшингиз билан, доимо шундай қувноқ ва чиройли бўлиб юринг”*

*Ҳамкасб дугонангиз Б. (Шахсий архивдан)*

Инглиз маданиятида инсоннинг ёшига нисбатан фарқи ёндашилади.

*Happy 21!!! ( Ўзбек тилида: 18 ёшингиз муборақ бўлсин!)*

Юқоридаги мисолни қисқа таҳлил қиладиган бўлсак, инглиз маданиятида инсоннинг энг чиройли, етук ёши 21 ёш ҳисобланар экан. Бу ёшда фарзандлар ота-оналар қармоғидан бутунлай чиқиб, ўзлари истаган ишларини ҳеч кимнинг рухсатисиз бажара олишлари мумкинлигини белгиловчи ёш сифатида қаралади ҳамда 21 ёш таваллуд кун байрамлари жуда кенг ва шодиёналарга тўла тарзида нишонланади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, дастхат матнларнинг мазмуни таҳлил қилар эканмиз, уларнинг лингвомаданий жиҳатларини очиб бериш учун турли тил вакилларининг маданиятини чуқур ўрганиш асносида вужудга келган хулосалар бизга дастак сифатида хизмат қилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Нурмонов А. Оврупода умумий ва қиёсий тилшуносликнинг майдонга келиши // Нурмонов А. Танланган асарлар. 3 жилдли. 2-жилд. – Тошкент: Академнашр, 2012. – Б. 23-40; Маҳмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқи йўлларини излаб... // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. – 5-сон. – Б. 3-16.
2. A.Rasulova, M.Xalilova МИКРОМАТНЛАРГА НУТҚ СИСТЕМАСИ СИФАТИДА ЁНДАШУВ. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2022, 197-203
3. Лингвокультуролия, Саидова М., Қўзиев У., услубий қўлланма, Наманган 2017, 61-63 бб
4. Абдуразакова, Ш., & Мухторова, Б. (2023). ЛИНГВИСТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ТЕКСТА. Scientific progress, 4(1), 369-373.
5. Сабитова З.К. Лингвокультурология: Учебник. – М.: Флинта: Наука, 2013. – С. 8-
6. Мухторова, Б. А. (2023). ТУРЛИ ТИЗИМЛИ ТИЛЛАРДА “БОЙЛИК” КОНЦЕПТИНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ. GOLDEN BRAIN, 1(5), 99-103.
7. Mukhtorova, B. (2023). THE LINGUISTIC AND CONCEPTUAL PICTURE OF THE WORLD. Science and innovation, 2(B1), 461-466.
8. Мухторова, Б. А. (2022, September). МОДАЛЛИК КАТЕГОРИЯСИНИНГ ЛИСОНИЙ ҲАМДА МАНТИҚИЙ ТАДҚИҚИ. In INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE" THE TIME OF SCIENTIFIC PROGRESS" (Vol. 1, No. 1, pp. 55-61).

**9.** A.Rasulova EXPRESSION OF THE CONDITION AND OBSTACLE RELATIONSHIP USING THE VERB. Procedia of Theoretical and Applied Sciences, 2022, 74-77

**10.** A.Rasulova THE STUDING BARRIER CONNECTION IN THE WORLD LINGUISTICS. Thematic journal of Education, 2022, 38-42

**11.** A.Rasulova, U.Karimov SOCIO-PEDAGOGICAL ASPECTS OF THE FORMATION OF READING CULTURE AND SKILLS. Asian Journal of Multidimensional Research, 2022

**12.** А.Расулова Тўсиқсизлик муносабатининг суперсинтактик бутунликларда ифодаланиши. “Tilshunoslikdagi zamonaviy yo‘nalishlar: muammo va yechimlar” xalqaro ilmiy-amaliy onlayn-konferensiya. – Andijon, 2021. – B. 10-13.

**13.** А.Расулова К вопросу выражения уступительных отношений в текстах на узбекском языке. ELMİ İŞ beynəlxalq elmi jurnal– 2021. B. 37-40